

Назар Эшонкул

ЖЕЙМС ЖОЙС

«Модерн адабиётнинг бош китоби бўлмиш «Улисс» (ўзбекчада «Улисснинг саргузаштлари») романи журнал вариантыда («Жаҳон адабиёти» 2008. №4–9) ниҳоят, ўзбек тилида ҳам нашр этилди. Гап шундаки, кўлами ва салмоғи жиҳатидан XX асрнинг энг йирик ва энг шов-шувли асари ҳисобланган, бутун Ғарб маданиятини ларзага келтирган «Улисс» дунёнинг қайси тилига таржима қилинмасин, ўзига хос миллий ҳодиса сифатида эътироф этиладиган асарлар сирасига қиради. Бу асар таржимаси ҳар қандай тилни синовдан ўтказди, унинг кудратини кўрсатади, имкониятларини кенгайтиради. Таржима учун таниқли таржимон Иброҳим Ғафуровнинг жасоратига алоҳида тасанно айтиш керак. Чунки «Улисс» ҳар ким ҳам таржима қиладиган ёки таржима қилишга жазм этадиган асар эмас. Бу асарни машҳур Виржиния Вульф «роман-энциклопедия» деган бўлса, бошқа бир тадиққотчи ундаги мавзулар ва шарҳлар қамровини бутун бошли илмий текшириш институтига тенглаштирганди.

Асар изоҳларининг ўзи таржимондан адабиёт, тарих, мусиқа, санъат ҳақида чуқур билимни талаб қиларди. Бошқа адиблар ва таржимонларнинг бу асар таржимасига қўл ургани ҳақида ҳар хил гаплар юрарди. Аммо ўша пайтдаёқ бу асар таржимасини фақат И.Ғафуров эплаши ҳақидаги эътирофлар ўзини оқлади. Шунинг учун асар таржимаси билан ўзбек адабиётини қутлаш керак.

Мен бугун таржиманинг хусусиятлари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Ҳали бу ҳақда кўп ва хўп гапирилади. Йигирма йил олдин бу асарни русчадан ҳижжалаб ўқиганимда пайдо бўлган тассуротлар ўзбекча таржимасини ўқиётиб яна қайта уйғонди. Аввало, Иброҳим ака асарнинг услубини ва тилини билганини, Жойснинг стихиясини тўғри англаганини, асарнинг моҳиятини тушунганини алоҳида таъкидлаш керак. Асарнинг тили шу даражада оғир ва тийиксизки, жумлаларда баъзан нима ҳақда гап кетаётганини англаш қийин.

«Улисс» ҳамма ҳам ўқийверадиган, ҳамма ҳам ҳафсала қилаверадиган асар. Ўқилиши, ҳазм қилиниши жуда оғир асар ҳисобланади. Шу сабабли ўз адабиётимизда ҳам, бошқа адабиётларда ҳам унга етарлича тошлар отилган, мағзавага беланган. Аммо барибир ҳали-ҳануз бу асар сўнгги юз йилликнинг энг яхши ва энг забардаст романи сифатида эътироф этиб келиняпти.

Роман Гомернинг «Одиссей» достони билан тузилишига кўра ва сюжет йўналишига биноан ўхшаш. Аслида Жойс бу асарида 20 асрнинг ўзига хос «Одиссей»ни – мифини яратишни мақсад қилиб олган ва асар ичидаги воқеалар антик мифнинг сюжетига тўлиқ бўйсундирилган. Қадим достоннинг макон ва замони битта шаҳарнинг бир кеча-кундузлик маконига ва замонига айлантирилган. 18 та бобдан иборат асарнинг ҳар бир воқеасига қадим «Одиссей» достонининг қайсидир йўналиши асос қилиб олинади. Блум – бу Одиссей, Стивент эса Телемак, Молли Блум Пенелопа ва ҳ.к. тарзда антик достон бобларига қолиплаштирилган. Шу сабабли асар тўла маънода миф-роман деб аталади.

Жойс XX аср Ғарб маънавий дунёсини тадқиқ қилиш учун атайлаб ана шу қадим қолипни танлайди. Бунда иккита урғу бор: антик одамнинг орзу, умиди ва яшаш тарзи, ҳаётдан мақсади Жойс замондошлари ҳаёти ва орзулари билан солиштирилади. Асарни ўқиганингиз сайин сиз бунга гувоҳ бўлиб борасиз ва Гомер қаҳрамонлари нимани улуғлаб яшаган ва бугунги дунё одамлари нимани улуғлаяпти, нимага эътиқод қиляпти, инсоният нимани топди, нимани бой берди, муҳаббат, эътиқод, садоқат, ватанпарварлик қандай тушуниляпти? Умуман, мифлар давридан буён инсоннинг онгу шуури ўсдими, мифлар даврида одамзодни қийнаган муаммолар XX асрда ҳал бўлдими?

Асарда XX аср бошидаги Ирландия ҳаёти қаламга олинган. Ёзувчи нигоҳи бу ҳаётнинг икир-чикирларигача, ҳатто одам товуш чиқариб айтишга уяладиган кечинмаларгача кириб боради. Жойснинг усули ана шунга имкон беради. Бу усулда «сен», «мен», «у» ўртасида ифода қилиш, баён чегараси бузилиб кетади, гўё асарда қайси шахс ҳикоя қилаётганини, қайси шахс ровий, қайси шахс қаҳрамон, англаб олиш анча мушкул. Набоков бу асарни қалб ё ҳиссиёт билан эмас, мия билан ўқиш керак деб айтганда юз карра ҳақ эди. Асар кутилмаган бадий услублар, приёмлар ва тимсолларга, ғоя ва ҳикматларга, ташбеҳу истилоҳларга шунчалик бойки, бошқа бундай романи топиш қийин. Блум ҳақида ҳикоя қилаётиб, бирдан «мен»га, кейин «сен», «у» шахсига осонгина ўтиб кетилади, сизни асар жозибаси ва шуури қамраб олади. Аста-секин асар ичига кирганингиз сайин миф билан воқелик, ҳаёт билан ҳаёлнинг, ровий билан қаҳрамон орасидаги чегара йўқолади.

Адибнинг инсон туйғулари ва майлларини худди кўзгудагидек аниқ акс эттириш усули барибир одамни ҳайратга солади. Бу усул биринчи марта Жойснинг ушбу романида ўзини тўла оқлади. Илгари насрчиликда баён шахснинг фақат биттаси тилидан ёки нуқтаи назаридан ҳикоя қилинарди. Бу асарда бир қаҳрамоннинг ўзида учта шахс ифодаси ёнма-ён кетаверади. Мазкур усул шунчаки зўраки тарзда сингдирилмаган.

Асарни ўқиётганингизда бу нотабий туюлмади. Бу ифода усули Ғарб адабиётидаги «поток сознания»- «онг ости кечинмалари»ни кенг ва чуқур акс эттириш имконини беради. Бошқа бир томондан,

Жойсда тушунарсиз, маъноси йўқ жумлалар жуда кўп. Газетадаги хабар каби расмий ва куруқ тилдаги лавҳалар ҳам тез-тез учрайди. Баъзида шеърга ўхшаш сажлар келиб қолади, баъзида тиниш бегиларга бўйсунмаган гаплар тузилиб қолади. Буларнинг ҳаммаси маълум мақсад билан асарга киритилган. Бу инсон ҳаётининг бизга маълум бўлмаган ички дунёси ифодаларидир. Жойс асарда ўзи ифода этаётган турли қаҳрамонларнинг ички дунёси шундай тушунарсиз ҳиссиётлар қоришиғидан иборат, бу кечинмаларнинг кўпини ўша кишининг ўзи ҳам билмайди, нималигини сезмайди, аммо бу кечинмалар – онг ости оқими инсонни таҳлил қилиш учун энг муҳим майллар бўлиб қолаверади деб таъкидлайди. Аслида ҳам шундай.

Бугунги инсон ботини уйига ва ватанига қайтишни ният қилиб, шу йўлда улуғвор саргузаштларни бошдан кечирган антик Одиссейдан тубдан фарқ қилади. Асарда вақт, замон, давр ўз моҳиятини йўқотади. Воқеа инсониятнинг ўтмишида ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам содир бўладигандек туюлади. Буюк Одиссейнинг Троя жангидан уйга қайтиши билан Мартин Блумнинг фоҳишахонадан уйга қайтиши истехзо тарзида қиёс қилиб олинган. Одиссия қанча саргузаштларни бошдан кечирган бўлса, Блумнинг бир куни ҳам шунча саргузаштларга – ички, ботиннинг фош этилган саргузаштларига тўла.

«Улисс» романининг «Одессей» билан композицион тузилиши ва воқеалар ривожининг бир хиллигида иккита урғу бор: биринчи урғу антик одамнинг нияти, мақсади, орзу-умиди билан XX аср кишининг орзу-умидини, қалбини ва ҳаётини қиёсلاш.

Асарни ўқиган сайин кўз олдингизда мешчанларча яшашга ўрганган, юксак мақсаддан мосуво оломон пайдо бўлади. Блумлар, Стивенлар XX аср кишилари! Уларда юксак мақсаднинг ўзи йўқ, кураш ва қаҳрамонликдан асар ҳам йўқ. Улар қурт каби ўрмалаб умр кечирувчи бир тўда ҳашаротдирлар. Қадим қаҳрамон Одессейдаги муҳаббат, эзгулик учун курашиш сўниб бўлган. Энди булар ақл ва жинсий шахватнинг бир гуруҳ қурбонларига айланган. Шу сабабли ҳам романдаги мураккаб тил, тушунарсиз жумлалар, бемақсад ишлатилган боблар жуда кўп. Бу одамлар на қалб, на ахлоқ, на эзгулик қоидаларига бўйсундилар.

Жойс қахрамонларини шафқатсиз фош этиб, унинг онгининг энг чуқурига жойлашган ҳиссиёт ва кечинмаларни, туйғу ва майлларни кўрсатиб беради. Ўзининг ифода усули ва фавкулодда қамровининг янгилиги билан бу асар анъанавий роман жанрининг услубий эскирганини, бу жанр анъанавий тарзда инсон ботинини тўла қамраб олишга кодирмаслигини, ҳар бир асар янги бир ифода воситаси топиши, асарнинг маълум бир воқеага – сюжетга асосланиши ҳам жанрнинг имкониятларини торайтириб қўйганини исботлашга уринди.

Асар инсоннинг ички дунёси унинг ташқи фаолиятидан ва ташқи воқеликдан жуда катталигини, бу ботин дунёсида инсонни тадқиқ қилиш учун адабиётга улкан имкониятлар эшигини очқлигини кўрсатиб берди. Романни том маънода янги роман, том маънода адабий дунёни ғалаёнга солган роман, XX асрнинг ноёб адабий ҳодисаси деб аташга ҳақлимиз. Бу ҳақда батафсил ёзиш керак. Бироқ биз фақат асар бизга нима беради деган саволга қисман жавоб билан чекланамиз.

Ҳар бир ёзувчи воқеликни ва қахрамон дунёсини табиий усулда чуқур акс эттиришини истайди. Жойс усули ана шунга кенг имконият беради. Бу асардан ёзувчилар, бўлажак ёзувчилар ижодий усулларини шакллантиришлари учун ўрганадиган нарсалар кўп. Жойс тили, хусусан, таржимада ҳам бу яхши акс этган, шоирона, стихияли тил. Гарчи унда атайин қилинган чўзилган, ғализлашган, маъносини йўқотган, минғир-минғирга ёки шунчаки бирон товушнинг акс садосига ўхшаш жумлалар жуда кўп бўлса-да, адиб асарда чинакам поэзиянинг куч-қудратини тўлиб-тошиб, жўшқин бир эҳтирос билан намойиш этолган.

Асардан, баъзи адибларимиз айтганидек, ҳаётнинг қора томонини акс эттиришнимас, балки адиб усул имкониятларини ва ички кечинмаларни акс эттириш усулини, сўз ишлатиш ва воқеликка ёндашув, қахрамонлар дунёсига кириб бориш, унинг ички дунёсини тадқиқ қилиш, асарга мифологик қолиплар яшаш, мифологик талқинларни асарга сингдириш каби кўплаб адабий ютуқларини ўрганиши мумкин. Жойснинг бу асари Ғарб оламини ларзага солганди.

Жойсгача ҳеч ким инсон ботинини бунчалик фош қилган эмас, у ҳақда бунчалик чуқур ва аянчли хулоса чиқарган эмас. Шу сабабли Г.Уэллс, Жойс адабиётни ҳаёлпарастликдан бир туртиб уйғотди ва ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатига дучор қилди, бу асар адабиётнинг боши берк кўчаси, деб атаганди. Мазкур эътирофларда Жойсни ўқимаслик керак деган фикр йўқ.

Ҳар бир ёзувчи асарни ўқиши лозим. Эҳтимол, нимани ёзиш-у, нимани ёзмаслик кераклигини билиш учун ҳам ўқиши керак. Бу адиб усули ва «Улисс» усули замонавий насримизнинг ифода усулларини кенгайтиради ҳамда роман жанри имкониятларининг янги қирраларини очади. Шу сабабли Иброҳим Ғафуров адабиётимизда сезилаётган мудроқликни ушбу асар ва бошқа асарлар таржималари билан бойитишга уринаётгани таҳсинга сазовордир.